

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 14 март, сешанба, №28 (3224).

19 НАУРЫЗ МАРТ 2023

www.election.gov.kz

ЎЗ ТАНЛОВИНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРИНГ!

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИ ВА МАСЛАҲАТЛАРИГА

САЙЛОВ



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИ ТАБРИКЛАДИ

ҚР Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев Си Цзиньпинни Хитой Халқ Республикаси Раиси лавозимига қайта сайлангани билан табрикляб, шошилинчнома йўлади.

«Сиз олиб бораётган оқилна сиёсат халқингизни юксак истиқболлар сари етаклаб, Хитойнинг келажигини порлоқ, тараққиётни бардавом қилиш учун мустақкам асос бўлишига қатъий ишонман. Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги яқин алоқалар йилдан-йилга мустақкамла-наётганини мамнуният билан таъкидлайман. Уйлайманки, бу муваффақиятлар сизнинг барқарор ҳиссангиз ва шахсий сазъ-харакатингиз самарасидир. Ўтган йилнинг сентябрь ойида Қозоғистонга ташрифингиз ҳамкорлигимизнинг навбатдаги «30 йиллик олтин даврига йўл очганидан айниқса мамнунман», дейилади мактубда.

Давлат раҳбари Хитой раҳбарининг эзгу ташаббуслари-га муваффақият, Хитой халқига фаровонлик тилади.

Akorda.kz.

Қозоғистон янгиликлари

ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ ЭНДИ 5 ОКТЯБРДА НИШОНЛАНАДИ

Қозоғистонда ўқитувчиларнинг касб байрами – Ўқитувчилар куни энди 5 октябрь куни нишонланади. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Ҳукумати тегшли қарор қабул қилди.

Ҳукумат расмий сайтида эълон қилинган маълумотларга кўра, Ўқитувчилар куни октябрь ойининг биринчи яшанбасида нишонлаб келинган. Эндликда бу байрам 5 октябрь куни – 100дан зиёд мамлакатларда нишонланадиган Бутунжаҳон ўқитувчилар кунига бақамти келади.

Маориф вазирлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда Қозоғистондаги мактабгача таълим, ўрта, техник ва касб-хунар таълим муассасаларида 556000 нафар ўқитувчи меҳнат қилмоқда.

ЎҚУВЧИЛАР MICROSOFT КОМПАНИЯСИ ГРАНТИНИ ЮТИБ ОЛИШДИ

Республика физика-математика мактаби ўқувчилари Арсен Қилишбек ва Владимир Борзенков Microsoft for Startups компаниясининг стартаплар учун 550000 долларлик грантини кўлга киритди.

Ўқувчиларнинг сўзларига кўра, улар сунъий заковатга асосланган стартап лойиҳасини ишлаб чиқишган.

– Дастур ўртача бир ярим дақиқада тўлиқ сайт яратади. Келгуси ҳафта ишга туширишни режалаштирмоқдамиз. Ҳар ким ўз платформасига бепул кириши ва ундан истаганча фойдаланиши мумкин, – дейди ўқувчилар.

ДЕҲҚОНЛАРГА СУБСИДИЯ

Баҳорги экиш ишлари учун ҳудудларга 413 минг тонна дизель ёқилғиси ажратилди, бу ўтган йилга нисбатан 13 минг тоннага кўпдир. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Абилай Тамабек маълум қилди.

– Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда вилоятларни нефтни қайта ишлаш заводлари бириктириш жадвали ва нефтни қайта ишлаш заводлари нархи февраль ойи учун – тоннаси 222 минг тенге ёки литри 184 тенге миқдорида тасдиқланди, – деди А. Тамабек.

Шунингдек, вазирлик томонидан ҳудудларга дизель ёқилғиси юклаш ва жўнатиш бўйича ҳар куни мониторинг юритилади.

24 kz.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИЛАДИ

2023-2025 йилларда Туркистон шаҳрида 169та янги иш ўрни яратадиган 4та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Улар темир-бетон буюмлар, темир ва ёғоч эшиклар, асфальт-бетон ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Лойиҳа қиймати 3 млрд. тенгени ташкил этади.

Айни пайтда Туркистон индустриявий минтақасида 27та лойиҳа доирасида 1330та иш ўрни очилган. Умумий қиймати 13,01 млрд. тенге.

Бугунги кунда вилоят марказида саноатни ривожлантириш учун сармоядорларни жалб этиш чора-тадбирлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Президент

Президент Ал Форобий номидаги ҚозМУ ректори Жансейит Туймебаевни қабул қилди.

Учрашувда Давлат раҳбарига университетнинг академик, илмий, инновацион фаолияти натижалари ҳамда таълим муассасини ривожлантиришнинг янги йўналишлари ва истиқболлари тақдим этилди.

Жансейит Туймебаевнинг айтишича, бугунги кунда университетда 24000дан зиёд талаба, жумладан, дунёнинг 54давлатидан 2800 нафар хорижлик таҳсил оломоқда. 542та таълим дастури амалга оширилмоқда, илмий марказлар ва илмий лойиҳалар сони кўпайди. 2022 йилда АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, БАА ва Туркиянинг етакчи университетлари билан 30дан зиёд шартномалар имзоланди. Истанбул ва Бишкекда ҚозМУ филиаллари мавжуд. Алматы шаҳрида университет негизда МИФИ (Москва) филиали очилди. Илмий ишланмалар, янгиликлар, кашфиётларни ҳаётга татбиқ этиш учун корхоналар билан олимлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилди.

ИЛМ-ФАННИНГ РИВОЖИ — МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИ



Қасим-Жұмарт Тұқаевга ўтган йили профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилгани ҳақида маълумот берилди. Бундан ташқари, ўқув бинолари, лабораториялар, ётоқхоналар

таъмирланди. Суд қарорига кўра, иккита ер участкаси ҚозМУ тасарруфига қайтарилди.

Президент университетни янада ривожлантириш муҳимлигини, олий таълим муассасининг халқаро мавқеини мустақкамлаш, илмий-тадқиқот фаолиятини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Akorda.kz.

“Наврўз - поклик кўзгуси”

Вилоятнинг 17 туман ва шаҳрида 11 март куни «Наврўз – поклик кўзгуси» акцияси доирасида шанбаликлар ташкил этилиб, “Ҳар бир оиладан – бир дарахт” дарахт ўтқазиш тадбири уюштирилди. Мазкур тадбирда туман, шаҳар ҳокимликлари, ижтимоий соҳа ходимлари, кўнгилилар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллалар аҳолиси фойдаланиб, она замин табиятини ўзгартиришга ўз хиссасини қўшдилар.



Жумладан, Арис шаҳрида давлат хизматчилари “Ёшлар имконият маркази” билан бирга 3000, Саврон туманида 1600 тупга яқин дарахт кўчатлари ўтқазилди.

“Ёшлар имконият маркази” Ленгер шаҳар ҳокимлиги ҳамда Афғон уруши фахрийлари ҳамкорлигида кўчалар бўйлаб тол кўчатлари ўтқазилди. Умуман олганда, тадбирда фах-

рийлар, ёшлар, кўнгилилар иштирок этиб, 150 тупдан зиёд кўчатлар ўтқазилди.

Март ойи бошидан буюн Сўзоқ туманида 11070 туп дарахт, 2 минг 100 туп гул кўчатлари ўтқазилди. Ушбу тадбир Тулкибош туманида ҳам юқори савияда ташкил этилиб, аҳоли дарахт кўчат ўтқазди.

Ўттор тумани аҳолиси ҳам бу эзгу тадбирда фаол иштирок этди. Шунингдек, Чордара туманида 8650 туп дарахт ва 1500 туп гул экилди. Сариегач туманида ўтқазилган кўкаламзорлаштириш тадбирида тадбиркорлар, туман аҳолиси ҳамда кўнгилилар иштирок этди. Ҳар бир муассаса ўзига бириктирилган ҳудудга дарахт кўчатлари ўтқазди. Шанбаликка 20та техника сафарбар этилди. Байдибек тумани маркази – Чаён кишлоғи кўчалари ва истироҳат боғлари, кўп қаватли уйлар ҳовлисига 3000 тупдан зиёд тол кўчатлари ўтқазилди.

Шанба куни Қазигурт, Келес, Кентов, Ўрдабоши, Жетисай туман ва шаҳарлари аҳолиси ҳам фаоллик кўрсатди. Натжида вилоятдаги сув каналлари тартибга келтирилиб, кўчалар чикиндидан тозаланди.

Шундай қилиб, Наврўз байрами арафасида вилоят ҳудуди тозаланди, кўчалар ободонлаштирилди, кўкаламзорлаштириш олиб борилди. Минтақада тозалаш ишлари келгусида ҳам давом этади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ФАРОВОНЛИК ДАСТАКЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Жорий йилда мамлакатимиздаги 200та қишлоқни ривожлантириш учун 55 миллиард тенге ажратилади. Бу ҳақда ҚР Молия вазири ўринбосари Даурен Темирбеков Сенатда маълум қилди.

– Президент топшириқларини амалга ошириш учун шу мақсадда 2 триллион тенге ажратиш режаланган, – деди вазир ўринбосари 2023 йилги республика бюджетини аниқлаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этиш чоғида.

Унга кўра, минтақаларда инфратузилмани ривожлантиришга 240 миллиард тенге сарфланади. Унинг 109 миллиард тенгеси шаҳар ва қишлоқларни ичимли сув билан таъминлашга йўналтирилади.

– Кўшимча харажатлар 2023 йилда шаҳарларда марказлашган сув таъминотидан фойдаланишни 99 фоизга, қишлоқ жойларда эса 96,5 фоизга ошириш имконини беради. Шунингдек, қонун лойиҳасида «Қишлоқ – юрт бешиги» лойиҳасини амалга ошириш учун 55 миллиард тенге маблағ кўзда тутилган. Бу маблағлар 200та қишлоқ аҳоли манзилани замонавийлаштиришга йўналтирилади, – деди у.

Вазир ўринбосарининг сўзларига кўра, қонун лойиҳасида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун 24 млрд. тенге ажратилган. Мазкур маблағлар ҳисобидан 550та уй-жой мажмуаларининг муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва хусусий уй-жой қуриш учун 15000 га яқин ер участкалари билан таъминлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, моношаҳарлар ҳудудларини ривожлантириш учун 27 миллиард тенге ажратиш режаланган.



Сайлов-2023

Қозоғистонга ЕХҲТдан 400дан зиёд кузатувчи келади

ОАВ вакиллари иштирокида ўтган брифингда Ташқи ишлар вазири ўринбосари Роман Василенко сайловда ЕХҲТдан 400дан зиёд кузатувчи иштирок этишини маълум қилди.

Брифингда Ташқи ишлар вазири ўринбосари минтақадаги геосиёсий вазият туфайли Европанинг кўплаб компаниялари Қозоғистонга келишига қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

– Бугунги кунда Буюк Британия, Литва, Дания ва Чехиянинг йирик компаниялари билан Қозоғистонда янги ишлаб чиқариш корхоналарини очиш ва уларнинг минтақавий филиалларини кўчириш бўйича аниқ келишувлар тузилди, – деди Ташқи ишлар вазири ўринбосари.

Роман Василенконинг сўзларига кўра, айни пайтда мамлакатда Европа капитали иштирокида ишлаётган 3000дан зиёд компания фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, вазир ўринбосари ўтган йили Қозоғистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 27,6 фоизга ошганини ва 40 миллиард долларга етганини таъкидлади.

Хабар 24.

● Янги Қозоғистонни бирга қурамыз!



САЙЁР ҚАБУЛ – САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

Туркистон вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари ва департамент раҳбарлари Арис шаҳри аҳолиси билан учрашиб, уларнинг муурожаатларини тинглади. Аҳоли томонидан аниқ таклиф ва муурожаатлар айтилиб, тегишли жавоблар олинди.

Умуман олганда, ўтган йили вилоят раҳбариятининг арисликлар билан учрашуви чоғида кўтарилган қатор муаммолар ечимини топди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди навбатдаги учрашувда ҳам ҳар бир таклиф ва муурожаат эътиборга олинишини таъкидлади.

– Маҳаллий ҳокимият органларининг асосий мақсади – аҳоли фаровонлиги учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдан иборат. Ўтган йили Жўсал аҳоли манзилининг аҳолиси Оққала кишлоғига аҳолининг сифатсизлигидан шикоят қилган эди. Бюджетдан маблағ ажратилиб, 5,3 қақирим йўл асфальтланди. “Сирдарё” кичик туманидаги истироҳат боғини таъмирлашга 76,5 млн. тенге ажратилиб, қурилиш ишлари олиб борилди. Ички йўллари таъмирлаш учун ўтган йили 191 млн. тенге ажратилиб, Жидели, Санали аҳоли манзилларида 10та кўча таъмирланди. Аҳоли “Нау-

риз” кичик туманида мактаб барпо этишни илтимос қилган эди. Ушбу масала юзасидан “Қулай мактаб” қалдирғоч лойиҳаси доирасида 900 ўринли янги мактаб қурилиши бошланади. “Тараз” кичик туманида 600 ўринли битта мактаб барпо этилади, – деди Дархан Амангелдиули.

Аҳоли томонидан экологияни яхшилаш, темир йўл салоҳиятидан фойдаланиш, йўл қуриш, қозонхоналарни янгилаш, ичимли сув, газ, оғир юк машиналарининг ҳаракатини назорат қилиш, дамба қуриш каби кўплаб масалалар кўтарилди.

Минтақа раҳбари фуқаролар муурожаатлари таҳлил қилиниб, қонун доирасида ҳал этилишини маълум қилди.

Шаҳарда асосий капиталга йўналтирилган сармоя ҳажми 15,4 млрд. тенгени ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 6,2 млрд. тенгеге ортди. Кейинги икки йил оғир 7,5 млрд. тенгеге 10та сармоявий лойиҳа амалга оширилиб, 100дан

зиёд иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши кўрсаткичлар мавжуд. Ўтган йили 23,5 млрд. тенгелик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилга нисбатан 3,6 млрд. тенгеге ошди. Жорий йил дала ишлари учун давлат томонидан 1,5 минг тонна имтиёзли дизел ёқилғиси ажратилди. “Муборак Агро” компанияси 600 млн. тенгелик қорамол бўрдоқлаш майдончасини очди. “Алаш Логистик” бирлашмаси томонидан 5 минг бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқлаш майдончаси қуриб битказилди. Балиқчилик ҳам жадал ривожланмоқда. “Дермене Агро Групп” компанияси ҳовузидан 30 минг балиқ етиштиришни бошлади. Кейинчалик хўжаликни ривожлантириш мақсадида 300 млн. тенге сармоя жалб этиш режалаштирилган.

Шаҳар ҳудудидаги бир неча кичик туман табиий газ тармоғига уланган. Ҳозир Байирқум, Кўкжиде, Жидели аҳоли манзилларида газ қувурларининг қурилиши олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН ЯҚИН



Туркистонда ҚР Марказий Сайлов Комиссияси раиси Н. Абдилов иштирокида 2023 йил 19 мартга белгиланган ҚР Парламенти Мажлиси ва маслаҳатлари депутатлари сайловига тайёргарлик ҳамда уни уюшқоқли ўтказиш масалаларига бағишланган сайёр семинар ўтди.

– Ўтган йили 5 июнда Қозоғистон халқи референдумда сиёсий ислохотларни қўллаб овоз берди. Санқли кунлар қолган сайловда еттита сиёсий партия иштирок этади. Жами 223 маслаҳатлардаги битта депутатлик ўринга ўрта ҳисобда 15 номзод рўйхатга олинган. Аввалги сайловда 45 минг назоратчи иштирок этди, жорийсида ундан кам бўлмайти. Халқаро миқёсда 37 давлатдан 75 кузатувчи сайлов жараёнида иштирок этиш ниятини билдирган. Сайлов қатъий қонун асосида адолатли ва камчиликларсиз ўтиши шарт, бунинг учун давлат томонидан барча шароитлар яратилган, – деди ўз нутқида Н. Абдилов.

Шунингдек, Туркистон вилояти сайлов комиссияси раиси А. Турғимбеков, вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Тажобаев, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарларининг сайловга тайёргарлик ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди. Вилоятимизда 1274 сайлов комиссиялари тузилган. 19 март куни жами 1 млн. 462 мингдан зиёд сайловчи 941 сайлов участкасида

ўзлари танлаган номзод ва партия учун овоз беради. Имконияти чекланган ногирон фуқаролар учун сайловда аравачалар ҳаракатланиши учун махсус йўлакчалар тайёр бўлиши лозим. Полиция ходимлари тартиб-интизомни таъминлайди. Лекин уларнинг сайлов участкаларига кириши тақиқланган. Улар фақат сайлов участкасига ташриф бууришлари мумкин. Ҳар бир сайлов участкасида 3 минг сайловчи овоз бериши ўринли. Сайловчилар сони бу кўрсаткичдан ошса, янги участка ташкил қилиниши керак.

Н. Абдилов сайлов кабиналари тўрт томондан ҳам ёпиқ бўлиши зарурми, – деган саволга ҳам жавоб берди.

– Сайлов кабиналари уч томондан ёпиқ бўлиб, сайловчи ўз гавдаси билан тўртинчи томонни ёпади. Кимга овоз берганини ҳеч ким кўра ва била олмайди. Демак, ҳозирги сайлов кабиналари талбага тўлиқ жавоб беради – деди у.

Сайлов кўнига қадар сайлов участкаларида комиссия аъзолари учун ўқув семинарлари ўтказилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: семинардан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

Қозоғистон Республикаси Уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракат агентлигининг вилоят департаменти ҳамда Диний ишлар бошқармаси ташкилотчилигида адолат қадриятлари ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш қобилиятини шакллантириш мақсадида тадбир уюштирилди.

100 нафардан зиёд дин вакиллари ва имомлар учрашувида департаментнинг Огоҳлантириш бошқармаси раҳбари Ержан Жунисов, ўринбосари Сабит Асилбек, Диний ишлар бошқармаси раҳбари Рустем Сабирижанули иштирок этди.

Пораҳўрликнинг давлат тараққиётига салбий таъсири ва оқибатлари атрофлича муҳокама қилинган тадбирда динимизда пора олиш ва бериш, дал-

ЖИНОЯТДАН ҲОЛИ ҲУДУД

лолликнинг жавоби оғир бўлиши таъкидланиб, уюшган жиноятчиликка қарши курашда диний бирлашмалар ва имомларнинг ўрни ўзгачалиги таъкидланди.

– Минтақамизда уюшган жиноятчиликка қарши маданиятни шакллантиришда диний бирлашмаларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Шу сабабли, жамиятдаги энг хавфли иллатга қарши биргалликда курашишимиз зарур. Кўхна Туркистон минтақаси жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айланишига эришишимиз даркор, – деди Ержан Жунисов.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



90 ГЕКТАРГА ҚОВУН-ТАРВУЗ ЭКИЛДИ



Жетисайлик миришкорлар жорий йил об-ҳавонинг ноқулай келиши муносабати билан дала ишларини 10-15 кун кечикиб бошлашди. Шундай бўлишига қарамай, кун исидан унумли фойдаланган Ж. Ералиев, Атамекен, Қизилқум, Интимақ, Янги овул, Жили су ва Қазибекбий қишлоқларида 93 гектар ерга полиз экинлари экилди.

Ўтган йилда полиз экинлари экилган 1311 гектарнинг 1084 гектарига қовун, 227 гектарига тарвуз эккан янгиовуллик миришкорлар жорий йилда 1300 гектарга қовун, 200 гектарга тарвуз экишни кўзламоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



САЙЁҲЛИК МАСКАНИ ҚАД РОСТЛАДИ

Чордара сув омбори соҳилида “Sybaga” меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросими ўтди. Тадбирда туман ҳокими Қайрат Жўлдибай иштирок этди.

– Чордара тумани – сайёҳлик соҳасининг ривожланишига ўта қулай ҳудуд. Хусусий тадбиркор Мухит Бурхановнинг ташаббуси билан шаҳримизда яна бир иншоот барпо этилди. Мана, шу сингари Чордаранинг сайёҳлик соҳаси равнақиға ҳисса қўиши истагидаги фуқароларни доим қўллаб-қувватлашга тайёرمىз, – деди Қ. Жўлдибай.

Таъкидлаш жоизки, ушбу маскан бир вақтнинг ўзида 50га яқин одамни қабул қила олади. Шунингдек, маҳаллий 10 кишини доимий иш билан таъминлайди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

● Меҳр-мурувват ...



ДЎСТ КУЛФАТДА СИНАЛАР

Туркистон шаҳрида Жанар Темирбаева раҳбарлик қилаётган А. Яссавий номидаги ХҚТУ қошидаги ваколатли кенгаш раиси, Туркия давлати фуқароси, профессор Мухитдин Шимшек ташкилотчилигида – Шукрона оши тадбири ўтди.

Февраль ойида Туркияда рўй берган даҳшатли зилзила жаҳон аҳлини ларзага солди. Ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Барча қатори, Туркистон шаҳри аҳолиси, фахрий оқсоқоллар ҳам баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзди. М. Шимшек жаноблари Туркия фожиасида ҳиммат кўрсатган барча туркистонликларга ҳамюртлари номидан миннатдорчилик билдирди. Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Жарилқасин Азиретбергенов туркистонлик ҳимматли инсонлар қаторида катта ҳисса қўшган Райимжон Қўчқоров, бир ойлик нафақа пулини берган Зина Баймахановаларни мисол келтириб, шу ишга ҳисса қўшган барча ҳимматли инсонларга раҳмат айтди.

Фожиа оқибатларини бартараф этиш учун туркистонликлар жами 18 млн. тенге пул ва 13 млн. тенгелик кийим-кечак,

озиқ-овқатни Туркияга Туркистон шаҳридаги аэропорт орқали жўнатишди. Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими ўринбосари Б. Тажобаев ўз нутқида биродарлик, меҳр-мурувват туйғуларини халқимиз учун азалдан муҳим мезон бўлиб келганлигини фахр ила тилга олди. Туркистоннинг фахрий оқсоқоли Тўлқин Саидмуродов туркиялик профессор М. Шимшекка қозоқ миллий бош кийимини туҳфа қилди. Тадбирда доимий обуначиларимиз, шу сабабли ишга муносиб ҳисса қўшган Тойир Абдувалиев, Дилмурод Жамоллов, Райимжон Қўчқоров, Хусан Маҳкамбоевлар ҳам иштирок этиб, эзгу ниятларини изҳор этишди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.



МОМЫНЖАНОВ ЖАСУР МОМИНЖАНУЛИ



26-СОҢЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ҚР ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД

САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ

● ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН АДОЛЛАТИ ҚОНУНЧИЛИК

Аксарият ҳолларда қонун маълум бир гуруҳлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади. Баъзан Хукумат ёки хорижий компаниялар, банклар, молиявий институтлар, монополиялар ва хусусий тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қабул қилиниши ҳам мумкин. Шунинг учун, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги учун қонунни қабул қилиш асосида фақат халқ манфаати бўлиши керак, шундагина қонун барча учун умумий ва адолатли бўлади, деб ҳисоблайман.

● ЕР ВА УЙ-ЖОЙ МАСАЛАЛАРИНИНГ МАҚБУЛ ЕЧИМИ

Маҳаллий аҳоли манфаатларини инобатга олган ҳолда, довлашува сабаб бўлган ерлар ва уй-жойларни қонунийлаштириш дастакларини такомиллаштириш зарур. Бугун ана шу муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳуқуқий меъёрларни қайта кўриб чиқиш чоғида унинг асоси сифатида маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблайман.

● ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

Аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий калити – кўп йиллардан бунён шаклланган маош тизимини замон талаби асосида қайта кўриб чиқиш, пенсия миқдорини пулнинг қадрсизланишига боғлиқ ошириш йўллари ҳал қилиш. Унинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлаш ва пенсия миқдорини оширишда фаоллик кўрсатиш.

● МАҲАЛЛИЙ ҲУДУДЛАРДАГИ ИЧИМЛИ СУВ, КАРИЗ (КАНАЛИЗАЦИЯ), ИССИҚЛИК, ГАЗ ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ичимли сув дастурини қабул қилиш ва унга республика бюджетидан ажратиладиган маблағ манбаларини кўриб чиқиш. Унинг талон-тарож бўлиб кетмаслигини назорат қилиш. Истиш ва газ тизимини такомиллаштириш имкониятларини ўрганиб, янги дастур қабул қилинишига эришиш. Газ ва иссиқлик тармақларини қайта созулаш, самарали операторлар билан шартномалар тузиш орқали сифатли ва тезкор интернет тизими масаласини йўлга қўйиш.

● ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Маҳаллий қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерларнинг тузилмасини, ҳажми ва йўналишини кўриб чиқиш. Хусусан, деҳқонлар учун қулай ер майдонларини қўлайлаштириш, қишлоқ хўжалигини оқар сув ва сув ҳавзалари билан таъминлаш, унинг ижросини назорат қилишга оид махсус дастур қабул қилиш. Ҳар бир туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кластерини шакллантириш. Деҳқон хўжаликлари ман-

(26-сонли сайлов округидан ҚР Парламенти Мажлиси депутатлигига номзод Ж. Моминжановнинг таржimai ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Республика бюджет жамғармасидан амалга оширилди).

● БИЛИМЛИ, СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Таълим муассасаларини сифатли дарсликлар билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш. Маҳаллий аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, амбулаториялар, тиббиёт пунктлари ва янги шифохоналар қуриш масаласини йўлга қўйиш. Ҳар бир қишлоқда спорт ва болалар майдончаларини қуриш масаласини маҳаллий ҳокимликлар ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этган ҳолда ҳал этиш. «Қишлоқ спортдан олимпиада сари» дастурини қабул қилиб, уфқуқароларини бу ишга сафарбар этиш.

● ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича мажмуавий дастур қабул қилиш. Тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг аниқ дастурини яратиш, молиявий насиялар бўйича фоииз ставкаларини камайтириш.

● АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ушбу йўналишдаги экологик лойиҳаларни молиявий рағбатлантиришни амалга ошириш. Таълим муассасалари ва мактабларда экологик таълим-тарбия масалаларига эътибор қаратиш.

● САЙЁХЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД РЕЖАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ

Туркистон вилоятининг сайёҳлик салоҳиятидан кенг фойдаланишнинг мажмуавий дастурини ишлаб чиқиш, унга ажратиладиган маблағлар манбалари самардорлигини ошириш. Минтақадаги тоғли ҳудудлар устуворликларни, соҳиллар ва маданий меросдан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кўриб чиқиш.

● МАҲАЛЛИЙ ЭТНОСЛАРАРО ТУТВУЛИШНИ САҚЛАШ

Мамлакатлар ўртасидаги бирдамлик, узаро ҳурмат ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, турли миллат вакилларининг бир-бирига ҳурматини асосий қадрият сифатида мустаҳкамлаш.

● ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Миллатимиз урф-одатлари ва аъёналарини ҳурмат қилиш ва қадриятларининг эътироф этилишини мажмуавий турда йўлга қўйиш.

● МАҲАЛЛИЙ ЮРТ МАДАНИЯТИ, УРФОДАТЛАРИ, ЭЪТИҚОДЛАРИ, ТИЛИ, ДИНИГА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИРОМДА БУЛИШ.

ИМОМЛАРГА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

ҚР Президенти қошидаги Давлат бошқаруви академиясининг Туркистон вилояти бўйича филиалида вилоят Дин ишлари бошқармасининг илтимосига кўра “Минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида имомлар (теологлар)нинг роли” мавзусида семинари ўтди.

Унинг тингловчилари ижтимоий тотувлик ва дин соҳасидаги давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари билан танишиб, Қозоғистондаги диний аҳвол ва асосий муаммолар, мийилликлар юзасидан ахборотга эга бўлди.

Фуқароларни қимор ўйинлардан, молиявий эҳромлар, ўзига зарур бўлмаган буюмларга кредит олишдан тийиш мақсадида молия-

вий саводхонлик дарси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ижтимоий тармоқларда ахборотни таҳлил қилиш, шахсий саҳифани юритиш одоби ва унинг муҳимлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Семинар якунида Туркистон вилояти диний ишлар бошқармаси раҳбари Р. Сабиржанули ҳамда ҚР Президенти қошидаги давлат бошқаруви академиясининг Туркистон вилояти филиали директори А. Идрисова маъруз тадбирни якунлаб, иштирокчиларга сертификатлар топширди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

● Вилоят хабарлари

“САЛОМАТЛИК САРИ 10000 ҚАДАМ”

Туркистон шаҳрида Наврўз байрами муносабати билан “Саломатлик сари 10000 қадам” тадбири ўтди. Унда спортчилар, фахрийлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жами 500 нафарга яқин одам иштирок этди. Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга қаратилган тадбир вилоят ҳокимлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг ташкилотчилигида уюштирилди.

“Жибек жўли” истироҳат боғида ўтган мусобақада кучлилар аниқланиб, ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

24та КўЧА АСФАЛЬТЛАНАДИ

Туркистон шаҳар йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бўлими раҳбари Арман Ўналханулининг маълумотларига кўра, жорий йилда Туркистон шаҳрида 24та кўча асфальтланиб, 47та кўчага шағал тўшаланиб, 185та кўчага асфальтланади. Айтилган кўчаларда ишлар бошлаб юборилди.

Ўтган йили шаҳарда 18та кўча асфальтланди, 185та кўчага шағал тўшалди, 150та автобус бекати, 134та кўчага тунги чиқроқлар ўрнатилди.

ЗАМОНАВИЙ ЖАРРОҲИЛИК ЙЎЛГА ҚўЙИЛДИ

Туркистон шаҳар марказий шифохонасида 15та буйрак жарроҳи муваффақиятли амалга оширилди. Жарроҳининг янги усули буйрак давомий ишлашини таъминлаб, аъёнавий жарроҳликлардан афзалликлари бисёр. Унда буйрак оз жароҳатлангани сабабли беморга 3-4 кунда уйига жавоб берилди.

Буйракдаги тошни олиб ташлашда шифокорлар жуда юққа ва ингичка усуналардан фойдаланади. Буйракка 36 мм.ли тешик орқали кириб, тош майдалаб ташланади.

ЗАКОВАТ ЎЙИНИ ЎТДИ

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ташкилотчилигида Кентов шаҳрида тўғизқумалақдан эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида вилоят чемпиони ўтди.

Эркаклар ўртасида чордаралик Туран Аждурлиев ғолиб бўлса, тулкибошлиқ Сейдимбек Жанасил – иккинчи, ўтрорлик Дастан Абдуханули учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида тўлебийлик Лина Каримова – олтин, ўтрорлик Гулназ Байбўлат – кумуш, қазғиртлик Ақбўта Намаз – бронза медалини қўлга киритди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Мен, Жасур Моминжанули Моминжанов, 1986 йил 15 февралда Туркистон вилояти Сайрам тумани, Қўлқент қишлоғига қарашли Хонқўрғон қишлоғида тутилганман. 1991 йили Сайрам туманидаги 44-сонли «Маданий» умумий ўрта мактабининг тайёрлов синфига бориб, 9-синфга тахсил олиб, 10-11-синфларда Б. Сатпарханов номи иқтисодий болалар спорт мактаб-интернатида бокс маҳорати сирларини ўргандим. Спортнинг бокс ва пауэрлифтинг бўйича бир неча халқаро турнирлар ва республика мусобақалари ғолиб бўлиб, «Спорт усталлигига номзод», «Спорт устаси» унвонига сазовор бўлдим.

Олий маълумотлиман.

2003-2007 йилларда М. Аюзов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетини «Жисмоний тарбия ва спорт» ихтисослиги бўйича; 2008-2009 йилларда Астана шаҳридаги Л. Н. Гумилёв номидаги Еуроосиё Миллий университетини «Педагог-ташқиловчи» мутахассислиги бўйича;

2009-2011 йилларда «Фемид» юридик академиясини 58030100 Ҳуқуқшунос ихтисослиги бўйича;

2017-2019 йилларда Қозоғистон Республикаси олий суди қошидаги Суд раислиги академиясида 6М030100 Ҳуқуқшунос ихтисослиги бўйича

тахсил олиб, «Ҳуқуқий фанлар магистри» даражасини олдим.

Шу йилларда Германия Федератив республикасининг Висмар шаҳрида, Астана шаҳар ва туман судларида судьялик малакамни оширдим.

2008-2011 йилларда Қозоғистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳаво ҳужумидан мудофиа қўшинларида меҳнат фаолиятини бошлаб, Шимкент ва Қарағанди шаҳарларидаги ҳарбий қисмларда турли зобитлик лавозимларида хизмат қилдим.

2011-2012 йилларда Абай Қунабаев номидаги Саран гуманитар техника коллежидан Саран шаҳар ҳокимлиги 7-сонли умумий таълим мактаб-интернати давлат муассасида ўқитувчи бўлиб ишладим.

2012-2021 йилларда прокуратура органларида: Қарағанди вилояти Шахтинск шаҳар прокуратураси прокурори; Ақтўбгай тумани прокуратураси прокурори; Қарағанди шаҳри Қазибек бий номидаги туман прокуратурасининг давлат айбловлар бўлими прокурори; Шимкент шаҳар Ал-Форобий туман прокуратураси прокурори лавозимларида ишлаганман.

1-даражали ҳуқуқшуносман. Қозоғистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 октябрдаги 672-сонли Фармонида мурофий, Атиров вилояти, Атиров шаҳар суди судьяси лавозимига тайинландим ва шу судда фаолиятини давом эттирдиман.

Ошланман. Тўрт фарзанднинг отасиман.

Банкротлик тўғрисидаги қонун қандай амалга оширилади?

2022 йил 30 декабрда “Қозоғистон Республикаси фуқароларининг тўлов қобилиятини тиклаш ва банкротлиги тўғрисида”ги Қонун имзоланди ва 1 январь куни расман эълон қилинди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда жисмоний шахсларнинг банкротлиги институти фаолият юритаётган мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, тегишли меъёрлар қабул қилинди.

Молия бозорини созулаш ва ривожлантириш агентлиги маълумотларига кўра, ўтган йил якунида қозоғистонликларнинг насия қарзи 14 триллион тенгеге етган. Улар орасида истеъмол насиялари миқдори 8 триллион. Давлат даромадлари қўмитаси маълумотларига кўра, 1,5 миллион кишининг молия муассасаларига қарзини тўламаганига 90 кундан ошган. Бир неча насия олган одамлар ҳам бор. Яъни, фуқароларнинг тўлов қобилиятининг ёмонлашуви уларни ушбу чорага мурожаат қилишга мажбур қилди, деган хулосага келиш мумкин.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида жисмоний шахсларнинг банкротлиги институти фаолият юритаётган мамлакатлар тажрибаси ўрганилгани ва тегишли меъёрлар қабул қилинганлиги таъкидланди. Шундай қилиб, 3 хил таомиллар жорий этилди. Улар суддан ташқари банкротлик, суд банкротлиги ва тўлов қобилиятини тиклашдир. Ушбу тартиб-қоидаларга фақат қарз олувчи ташаббускор бўлади, яъни қарз берувчи қарздорни банкрот деб топши тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Суддан ташқари банкротлик шартлари қандай?

Биринчи таомил – суддан ташқари банкротлик. Уни фақат банклар, микромолия ташкилотлари ва коллекторлик агентликлари олдидаги қарзлар учун қўллаш мумкин. Агар қарз олувчи жисмоний шахсининг банклар, микромолия ташкилотлари ва коллекторлик агентликлари олдидаги қарзи 1600 ойлик ҳисоб (2023 йилда у 5 миллион 520 минг тенге) кўрсаткичидан ошмаса, у ҳолда у суддан ташқари банкротлик шаклини қўллаш мумкин. Аммо қарз олувчи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- қарз 5,52 миллион тенге (1600 ОҲҚ)дан ошмаса;
- насия 12 ой давомида қайтарилмаган бўлса;
- тасарруфда рўйхатга олинган мол-мулк, шу жумладан, биргаликдаги мулк бўлмаса;
- насия шартномаси бўйича бажарилмаган мажбуриятларни қоплаш ёки ундириш таомиллари қарздорни нисбатан муддатга ўтган қарз пайдо бўлган пайтдан бошлаб 18 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилган бўлса;

Шу билан бирга, ижтимоий ёрдам олувчилар учун 6 ой давомида ва қарзи 5 йилдан зиёд вақт мобайнида тўланмаган фуқаролар мурожаат қилишлари мумкин. Суддан ташқари банкротлик “Электрон ҳукумат” порталида бошланади. Шундан сўнг ахборот тизими орқали давлат органлари маълумотлари билан қарздорнинг

белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан автоматик нисбат амалга оширилади.

Суддан ташқари банкротлик “Электрон ҳукумат” портали орқали амалга оширилади. Фуқаро банкротлик тўғрисида ариза билан “Электрон ҳукумат” портали, “E-salyg Azamat” мобил иловаси, давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат қилиши мумкин. Шундан сўнг, ахборот тизимида қарздорнинг белгиланган мезонларга мувофиқлигини аниқлаш учун тегишли давлат органлари маълумотлари билан автоматик нисбатлаш амалга оширилади.

Банкротлик суд томонидан қандай эълон қилинади?

Иккинчи таомил – суд банкротлиги. Фуқаролар ушбу таомилдан 1600 ОҲҚдан зиёд қарзлар (2023 йилда – 5 миллион 520 минг тенге) ҳамда қарз берувчилар олдидаги барча турдаги қарзлар учун фойдалана оладилар. Суд орқали банкротлик вақтида қарздорнинг мол-мулки ким ошди савдосида сотилади. Бироқ бу ўринда эътиборга олинадиган жиҳатлар мавжуд. Қарз берувчи қарздорнинг ягона бошлангани фақат у гаров объекти бўлган тақдирдагина суд орқали олиб қўйишга ҳақли. Қолган тўланмаган миқдор, агар қарздорда мол-мулкни ашириш ёки бу ҳақдаги маълумотларда ёлғон маълумотлар тақдим этиш белгилари бўлмаса, ҳисобдан чиқарилиши керак.

Суд орқали банкротлик тўғрисидаги шаклини молия менежерлари амалга оширади, улар таркибига хизмат қилаётган маъмурлар, касбий бухгалтерлар, ҳуқуқий маслаҳатчилар ва аудиторлар кирди.

Молиявий менежерларнинг хизматиға ҳақ тўланади. Уларнинг хизматлари учун тўлов қарздорнинг мулки ҳисобидан амалга оширилади (бир ойлик энг кам маош 2023 йилда – 70 минг тенге).

Тўлов қобилиятини тиклаш тартиби қандай қўлланилади?

Учинчи таомил – тўлов қобилиятини тиклаш, доимий даромадга эга бўлган фуқаролар ундан фойдаланишлари мумкин ва у қарзини бўлиб-бўлиб тўлашни суд орқали 5 йил муддатга олишни назарда тутди. Ягона шарт – қарз миқдори қарздорнинг мол-мулки қийматидан ошмаслиги керак. Ушбу жараён ҳам суд орқали амалга оширилади. Яъни, фуқаролар яшаш жойидаги маҳаллий суд органларига мурожаат қилишлари керак.

Қайта тиклаш чораларига мулкнинг бир қисмини сотиш, мулкни ижарага бериш, уйни сотиб, арзон бошлана харид қилиш ва бошқа чоралар кирди.

Ушбу таомил юқоридаги икки хил тартибдан кўра самаралироқдир, чунки оқибатлар энгил. Бундай фуқароларга «банкрот» мақоми берилмайди. Қарз олишига ҳеч қандай чекловлар йўқ, молиявий аҳволи мониторинг қилинмайди. Насияни 5 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин. Тўлов қобилиятини яхшилаш учун молиявий маслаҳатчининг ёрдамидан фойдалана олади. У қарзининг бир қисмини ҳисобдан чиқариши мумкин. Агар суд қарздорга нисбатан тўлов қобилиятини тиклаш тартибини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилса, молия бошқарувчиси қарздор билан биргаликда бир ой муддатда тўлов қобилиятини тиклаш режасини тузиши шарт. Режа беш йилдан зиёд бўлмаган муддатга тузилиши керак. Кейин суд режани кўриб чиқади ва уни тасдиқлайди ёки тўловга лаёқатсизлиги тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, фақат қарздорнинг ўзигина бундай таомилнинг ташаббускори бўла олади.

Банкротлик қандай оқибатларга олиб келади?

Банкротлик тартибини суддан ташқари ёки суд орқали қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган қарздор қуйидагиларни билиши керак:

- 5 йил муддатга насия ва кичик насиялар олиш тақиқланади (ломбардлардан кичик насия олиш бундан мустасно);
- фақат 7 йилдан кейин қайта банкротлик эълон қилиниши мумкин;
- банкрот бўлган шахснинг молиявий аҳволи банкротликдан кейин 3 йил давомида назорат қилинади.

Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институтининг етакчи илмий ходими Анна Алшанская банкротлик тўғрисидаги янги қонун одамларнинг ортиқча қарз олишини камайтиришга қаратилганини таъкидлади. У ўтган йили кредитлаш даражасини пасайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилган, ҳаддан зиёд кредитлашнинг аҳоли зиммасига юклангани ўта жиддий муаммо эканини таъкидлади.

“Жорий йилдан бошлаб оғир ҳаётини вазиятларга тушиб қолган фуқаролар банкротлик тартибидан фойдаланишлари мумкин. Аҳолини ортиқча насиялаш жуда жиддий муаммо бўлиб, бу давлат ва жамият томонидан тегишли чора-тадбирларни талаб қилади. Ортиқча насия олмаслик учун молиявий саводхонлиқни ошириш, қолаверса, аҳолининг умумий турмуш даражасини ошириш муҳимдир”, деди Анна Алшанская.

«Ушбу қонунни амалга оширишда муаммолар мавжуд»

БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА АРИЗА ҚАБУЛИ БОШЛАНДИ

АКБАРОВА ДИНАРА БАУРЖАН ҚИЗИ



7-САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА
ҚР ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИ
ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД

**ХАЛҚИМИЗ
ФАРОВОН ҲАЁТГА
МУНОСИБ!**

Таржимаи ҳоли

Мен, Динара Акбарова, 1986 йили Туркистон вилояти Қазигурт туманида таваллуд топганман. Болалигимдан Шимкент шаҳрида истиқомат қиламан. Шимкент шаҳрида Х. Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университети қошидаги лицей-гимназиясини, Тиббиёт академиясини тамомлаганман. Каминанинг бош таянчи – оилам. Умр йўлдошим билан уч фарзандни тарбияламоқдамиз. 18 йилдан буён қайнота ҳамда қайнона хонадонидан истиқомат қиламан. Отанам, кекса бувимнинг сеvimли фарзанди ҳам неварасиман.

Меҳнат фаолиятимни умумий шифокорлик тажрибадан бошлаб, тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида давом эттирмакдаман. Бугунги кунда Шимкент шаҳар «ЭСКУЛАП-ВИТА» тиббий шифохонасида менежмент ташкил этиб, ушбу соғлиқни сақлаш муассасасининг етакчиси, тармоқ бошқарувчисиман.

Тадбиркор аёллар ҳамжамияти аъзосиман. «Жомарт жүрек – 2021» танловининг «Йилнинг энг яхши гамҳўри» номинацияси соҳибиман.

Бош қоидам:

- ✓ Адолат
- ✓ Ишонч
- ✓ Соғлом жамият
- ✓ Сифатли билим
- ✓ Хавфсиз ҳаёт

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Республика миқёсида куйидаги йўналишларни амалга оширишга куч соламан:

1. Давлат бюджетининг маблағидан фойдаланишда шаффофликни таъминлаш;
2. Мамлакатимиздаги йирик миллий компанияларнинг фаолиятини Парламент томонидан назорат қилинишини;
3. Ҳокимиятни марказлаштирмаслик, яъни давлат ҳокимият ваколатларини маҳаллий туман, кичик туман, қишлоқлар тасарруфига беришни амалда ҳал қилиниши;
4. Миллий валютаимизнинг қадрини барқарорлаштиришга эришиш;
5. Молия-кредит сиёсатида аҳолининг мақсадларига мос қарорлар қабул қилиш. Автотранспортни хорижий давлатдан харид қилиш утиль тўловини, кўшимча солиқлар ва тўловларни олиб ташлаш;
6. Уй-жой қурилишини тезлаштириш, квартира нархининг асоссиз кўтарилишига йўл бермаслик. Қурилиш сифатига алоҳида эътибор қаратиш. Зилзила хавфининг олдини олиш;
7. Соғлиқни сақлаш йўналишида суғурта шартларини қайта кўриб чиқиш, нафақадорлар, ишсиз ёки доимий иши йўқ фуқароларнинг бепул даволаниш ҳуқуқларига риоя қилиш;
8. Таълим соҳасини яхшилаш ҳамда қулай мактаблар қурилишини кенгайтириш;
9. Маънавий қадриятларимизнинг эъзозланишига эътибор қаратиш;
10. Ўртимизда ёшлар сиёсатини оидинлаштириш. Иш бевуриларнинг ёшларга жаҳон андазаларига мувофиқ шароитлар яратишини таъминлаш;
11. Қозоқ тилининг мавқеини ошириш, бошқа тилларга эътиром кўрсатилишига эришиш.

Шимкент шаҳри миқёсида

1. Шаҳар аҳолисига сифатли коммунал хизматлар кўрсатилиши; нархининг ҳамёнбон бўлиши, ногиронлар ва ижтимоий аҳволи оғир фуқароларга имтиёзлар бериш йўллари ҳал қилиш;
2. Шимкент шаҳрининг жаҳондаги намунали мегаполислар тажрибаси асосида, тараққий этишига эришиш. Шаҳар чегарасида яшил белбоғ яратилишини шаҳар ҳокимлигидан талаб этиш;
3. Шаҳримизда сифатли уй-жой қурилишини ривожлантириш, қурилиш сифатини назорат қиладиган давлат тузилмасининг фаолиятини жамоат назоратига олишни ҳал қилиш;
4. Шаҳар ичкарасида яшил истироҳат боғи, яшил хиёбонлар барпо этиш, экологик тоза енгил sanoat корхоналарига махсус ер майдонларини шакллантириш. У майдонларни тадбиркор сармоядорларга танлов асосида тақдим этишни;
5. Шаҳримизда транспорт ҳаракатини тартибга солиш учун айланма йўллар, кўприклар қуришга республика бюджетидан маблағ ажратишга эришишни ўз дастуриимнинг асоси сифатида олдим.



**Сизларнинг ишонч билдириб,
овоз беришингизга
ишончим комил!**

(Депутатликка номзод Динара Акбарованинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилди).

Директор – Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи –
Муроджон Абдунаби ўғли
АБУБАКИРОВ.

Бош муҳаррир ўринбосари:
Авазхон БУРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлғабий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-701-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

ӨМІРТАЙ АМАЛБЕК ДАРКЕНҰЛЫ



6-САЙЛОВ ОКРУГИДАН ҚР ПАРЛАМЕНТИ
МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА
ШИМКЕНТ ШАҲРИДАН НОМЗОД

Өміртай Амалбек Даркенұлы 1994 йил Шимкент шаҳрида туғилган. Шаҳардаги 32-сонли, 47-сонли, 2-сонли иқтисодий болалар мактаб-гимназиялари ва 78-сонли умумий ўрта мактабда тахсил олиб, "Олтин белги"га тамомлаган. Ал-Форобий номи ҚозМУ битирувчиси. Ижтимоий фанлар маэистри, жаҳон иқтисодиёт PhD докторанти. ҚР Куролли кучларининг захиродаги зобити.

Меҳнат фаолиятини ҚР Миллий Иқтисодиёт вазирлигида бошлаган. Ал-Форобий номидаги Қозоқ Миллий университети ўқитувчиси, Алматы Давлат хизмат кўрсатиш ва технологиялар коллежи директорининг рақамлаштириш бўлими уринбосари лавозимларида ишлаган. Туркистон вилояти Ёшлар марказига раҳбарлик қилган. Кентов шаҳар ҳокими девонининг раҳбари лавозимида ҳам фаолият юритган.

Туркистон вилоят мажлиси депутатини чакирқик депутати.

Оилали. 1 фарзанди бор.

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

ЁШ КЕЛСА – ИШГА,
ЯНГИ АВЛОД – МАЖЛИСГА!

Қозғоғистонда партиялар майдони кенгайиб, сиёсий кучлар ўртасида рақобат кучайиб бораётганига гувоҳимиз. Ишонч берилса, Ўзбекистон куч-гайратини халқ муаммоларини давлат даражасида кўтаришга, аниқ чора-тадбирлар кўришга сафарбар қиламан. Узини Парламент Мажлиси депутатлигига тавсия қилишим ҳамда рўйхатдан ўтчимга сабаб, Президентимиз Қасим-Жомарт Тоғевнинг ёшларга ишончини амалда олдир.

Давлат миқёсида ёшларга оид сиёсатни тубдан ўзгариштириш, умуминсоний муваффақиятли меҳнат жамиятини яратиш, миллий дунёқараш ва дунёвий рағ-барангликни ўзда муважасман этган давлат мақсудларини амалга ошириш, Шимкент шаҳрини йирик бизнес,

ахборот технологиялари ва савёҳлик марказига айлантириш, ишлаб чиқариш sanoatини ривожлантириш орқали иқтисодиётни рағбаранглаштиришга куч-гайратини сафарбар қиламан.

Ватанимиз бир, мақсадимиз ягона. Амалга ошириладиган лойиҳалар халқ фаровонлигини таъминлайди. Учинчи мегаполис – Шимкент шаҳрини ҳам Марказий Осиё давлатларининг савёҳлик марказига айлантириш зарур. Шаҳардаги транспорт инфратузилмаси сифатини ошириш, Турон туманининг салохиятини ёрми тадбирлар билан тизимлаштириш, мунтазам транспорт қатнови билан таъминлаб, чиқиндиларни ўз вақтида тозалаш, кўчаларни ёритиш, йўлларнинг сифатини яхшилаш, болалар майдончаларини барпо этиш – аҳолининг долзарб талабдир.

Муроса ва миллатлараро тотувлик мамлакатимиз мавқеини оширади. Оила ва жамият-



МАҚСАДИМ АНИҚ, ЙўНАЛИШИМ РАВШАН.
БАТАН КЕЛГАХИГА УЧУН МЕХНАТ ҚИЛИШ –
МЕН УЧУН ФАРЗДИР!

Янги Қозғоғистон бунёдкорлари МАКТАБИМИЗ НОМИ – АХМЕТ БАЙТУРСИНУЛИ

Чўрноқ қишлоғидаги "Шорнақ" умумий ўрта мактабининг номи жорий йилдан бошлаб маърифатпарвар олим, қозоқ алифбоси муаллифи Ахмет Байтурсинули номидаги ўқув даргоҳи бўлиб ўзгарди.

Саврон туман ўзбек этно-маданият бирлашмаси раиси, туманнинг фахрий фуқароси, фахрий устоз Қурбонбой Ирисбеков ташаббуси билан она тилимизда давлатимизнинг тинчлик, тотувлик ва тараққиёт сиёсатини тарғиб қиладиган суякли нашримиз "Жанубий Қозғоғистон" газетасига 35 нафар ҳамкасбини бунга жалб этиб, умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшаётганимдан беҳад миннатдорман.

1999 йили Тошкентдаги Низомий номидаги давлат



университетининг ўзбек ва қозоқ филологияси факультетини тамомлаган собиқ талаба эдим. Бугунги кунда меҳнат тажриба 22 йилдан ошди. Ўқитувчилик касбига меҳр уйғотган тажрибали ўқитувчи, ҳурматли аммажон

ним Маҳфуза Алихоновани алоҳида ҳурмат билан ёдга оламан. Шу меҳридарё инсоннинг ажойиб фазилатларини ўзимга намуна қилиб, ҳаётда кам бўлмадим.

Эъзоза Ҳайитметова, Гулчеҳра Поччахонова, Малика Отанова, Уйғун Иброҳимов каби собиқ иқтисодий ўқувчиларим бугунги кунда ушбу таълим даргоҳида мен билан ҳамкасб сифатида ёш авлодга математика, информатика, рус тили ва мусиқа фанларидан самарали дарс бераётганлиги шонли тарих.

2023 йилнинг Наврўзи олам шодийнаси барчага ва ҳар бир хонадонга мустақкам саломатлик, тотувлик, яхшилик, барака ва осойишталик келтирсин. Ўқувчи ёшларимиз заковатли ва тарбияли бўлишсин.

Насиба АЛИХОНОВА,
Ахмет Байтурсинули
номи умумий ўрта
мактабининг ўзбек тили ва
адабиёти ўқитувчиси.

Спорт

ХОТИРА ТУРНИРИ

Сайрам даҳасидаги 12-сонли спорт мактабида Боксдан Қозғоғистон чемпиони, спорт устаси Фаррух Шоназаровнинг хотирасига бағишланган тадбир ўтди.

Унда 2005 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдаги болалардан иборат тўрт жамоа иштирок этди. Тадбирнинг очилиш маросимида спорт мактаби директори Ҳасан Маҳкамбоев, меҳнат фахрийси Иброҳимжон Тожибоев, Фаррухнинг отаси Муслим Шоназаровлар сўзга чиқиб, тадбир иштирокчиларига муваффақият тилашди.

Баскетбол мусобақаси натижасига кўра, бош совринни 8-сонли гимназия мактаби спортчилари кўлга киритишди, иккинчи ўрин спорт мактаби тарбияланувчиларига насиб этса, учинчи ўринни қорабулоқликлар эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари, медаллар ва пул мукофотлари топширилди.



ОЗОДЛИКНИНГ СПОРТЧИ ФАРЗАНДИ

Тулкибошлик мураббий Неъматжон Раҳмонбердиевнинг шогирдлари кўп йиллар мобайнида волейболдан Қозғоғистон чемпионати ва кубоклари мусобақаларида совринли ўринларни кўлга киритиб келмоқда. Икки йил аввал 2010-2011 йилларда туғилган ўғил болалар орасида Қозғоғистон чемпионатининг Озодлик қишлоғида уюштирилгани бежиз эмас.



Эришилган муваффақиятларда жамоа аъзолари Холхўжа Сайдазимов, Дилшод Сунатиллаев, Сарвар Тожиматов, Бехруз Ғулможонов, Бехруз Орифжон ҳамда Бехруз Мадалиевларнинг ҳиссаси салмоқли.

Неъматжон камтарин, меҳ-

натсевар, касбининг фидойичиси. У спортга қизиқишини уйғотган устози Раҳмонберди Алишев ҳамда бугунги кунда ёрдан кўрсатаётган ҳамкасби Икром Отабековларнинг номини чуқур эътиром билан тилга олади.

И. ТОЖИБОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри,
"Жаңа қала" кичик тумани,
11-кўча, 26-бино, 3-кават.

Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.

Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатиши – 65466.

Адади – 12500 нуска.

Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродрлиги.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўзғалга олиниб, ККЗ34УР00022503 гувоҳнома берилган.

"ENRUR-print" МИБ бошқармасида чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Бюроғим 641.